

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ФИЛОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ



АВГУСТ  
**2020**  
ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
МАСОФАВИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ



---

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	240
<b>30.Муминова Гулирано Рахимовна</b> СИНГАПУРСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ.....	243
<b>31.Насиров К.Ж.</b> ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.....	247
<b>32.Ашилова Мухаббат Кудайбергеновна</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ.....	250
<b>33.Амридинова Н.Ш., Муртазаева М.</b> АВТОРСКИЕ ОБОРОТЫ КАК ИСТОЧНИК ВОЗНИКНОВЕНИЯ ОБРАЗНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В АНГЛИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	252
<b>34.Ҳамроева Нафиса Низомиддиновна</b> ТИЛНИНГ ФАТИК ВАЗИФАСИ ЁКИ ФАТИК МУЛОҚОТ ХУСУСИДА...255	255
<b>35.Ахрарова Фотима Бахрамовна</b> НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	259
<b>36.Хасанов Зафар Шавкат о'ғ'ли, Жомуродов До'стмурод Мамасолиевич</b> INTERAKTIV VOSITALARDAN FOYDALANIB TALABALAR BILIMINI VANOLASH USULLARI.....	262
<b>37. Шахабитдинова Шохида Хошимовна</b> ЮРИСЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА КИРИТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА АЙРИМ МАТЕРИАЛЛАР.....	265
<b>38.Yulduz Nurjanova</b> RUSIYZABON GURUHLARDA O'ZBEK TILINI O'QITISHDA TALAFFUZGA DOIR MUAMMOLAR XUSUSIDA.....	268
<b>39.З.Қодирова</b> ЭЛЕКТРОН ЛУФАТ - ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ СИФАТИДА.....	270



## ТИЛНИНГ ФАТИК ВАЗИФАСИ ЁКИ ФАТИК МУЛОҚОТ ХУСУСИДА

**Ҳамроева Нафиса Низомиддиновна**

Бухоро давлат университети, Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация: Инсон ижтимоийлашиш туфайли мулоқотга асосланган жамиятнинг авзосига айланади. Шахслар ўртасида амалга ошириладиган нутқий мулоқот бир қанча кўринишларга эга. Ана шундай нутқий мулоқотнинг турларидан бири фатик мулоқотдир. Фатика - тилдан қатъий бир мақсадсиз, нутқ шароити ва коммуникантларнинг фаолиятлари билан деярли алоқадор, уларга бирор бир масъулиятни юкламайдиган, вақтни ўтказиш, суҳбатдошлар орасида вербал алоқани фақат сақлаб қолиш учунгина хизмат қилдиган суҳбатдир. Мазкур мақолада фатика терминининг келиб чиқиш тарихи, унинг жанрлари, жаҳон тилишунослигида фатик мулоқотнинг ўрганилиш босқичлари ва йўналишлари ҳақида сўз боради.*

*Калит сўзлар: тил, нутқ, нутқий мулоқот, нутқий мулоқот жанрлари, фатика, фатик нутқий жанрлар, фатика тадқиқининг босқичлари.*

*Аннотация: Человек становится членом коммуникативного общества благодаря социализации. Вербальное общение между людьми имеет много аспектов. Одним из таких типов речевого общения является фатальное общение. Фатика - это разговор, который не имеет определенной языковой цели, почти связан с условиями речи и деятельностью коммуникаторов, не налагает на них никакой ответственности, служит для того, чтобы скоротать время, только для поддержания словесного общения между собеседниками. В данной статье рассматриваются история возникновения термина фатика, его жанры, этапы и направления изучения фатик-коммуникации в мировой лингвистике.*

*Ключевые слова: язык, речь, речевое общение, жанры речевого общения, фатика, речевые жанры фатика, этапы исследования фатики.*

Мулоқот ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг инсон ҳаётида ўз ўрни ва аҳамияти мавжуд. Мулоқот одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айрибошланишини ўз ичига олади. Шахслар мунособатга киришар экан, энг муҳим воситалардан бири бўлган тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг иккинчи жиҳати мунособатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам ифодаланишидир. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишларига, дунёқарашига, муомала маданиятига ҳам боғлиқ бўлади, чунки шахслардаги мулоқот табиий эҳтиёждир. Мулоқотнинг бир неча турлари мавжуд. Бевосита мулоқот шахс билан “юзма-юз” суҳбат бўлиб, бунда унинг ҳар бир иштирокчиси ўзи идрок қилади, бир-бирига таъсир қилади, ахборот алмашади [7,8]. Бундай жараёнда ҳамма мавжуд восита (вербал ва невербал) ларни кенг қўллайди. Билвосита мулоқот ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, бўлимлар ва механизмлар иштирок этишади. Масалан, телеграф, телефон орқали гаплашиш ва ҳ.к. Мулоқотнинг баъзи бир турлари ижтимоий роллар орқали вужудга келади. Бундай мулоқот ролли мулоқот дейилади. Бундай ҳолатда одамлар нафақат шахслар сифатида, балки муайян ижтимоий ролларни бажарувчи кишилар тарзидаги мулоқотда бўлади. Масалан, терговчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот роллидир [3].

Мулоқот жараёнида нутқий фаолият алоҳида ўринга эга. Нутқ - одамлар тил

орқали бир-бири билан муомала ва алоқа қилишнинг алоҳида усулидир. Одам ўз нутқи орқали ўзининг билимлари, фикрлари, ҳислари ва истакларини бошқа кишиларга айтиб бера олади ва бошқа кишиларнинг фикрларини ўзлаштириб олади, бошқа кишиларнинг ҳислари ва истакларини билиб олади.

Тил - кишилар орасида алоқа-арашувнинг энг асосий воситасидир. "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур", дея таъкидлаган эди Абдулла Авлоний. Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, ҳаётида тилнинг, айниқса она тилининг аҳамияти жуда катта. Она тили:

- ўзликни англаш воситаси;
- миллий онг ва тафаккур ифодаси;
- авлодлар орасида руҳий-маънавий боғлиқлик воситаси;
- миллатнинг руҳи;
- ўсаётган авлод тафаккурини шакллантирувчи восита;
- миллатни жаҳонга танитувчи восита;
- миллий руҳ ниғаҳбони ва ифодасидир.

Владимир Звегинцев ўзининг "Очерки по общему языкознанию" китобида жами 25 та "Тил" ҳақидаги таърифни келтирган. Фридрих Гегел, Август Шлейхер, Хейман Штейнталь, Александр Потебня, Филипп Фортунатов, Иван Бодуэн де Куртене, Гуго Шухардт, Отто Есперсен, Бенедетто Кроче, Эдуард Сепир, Антон Марти, Фердинанд де Соссюр, Гендри Эббингхаус, Фридрих Кайнс, Карл Фосслер, Антуан Мейе, Жозеф Ванриес, Витторе Пизани, Луи Ельмслев каби олимлар ҳам ўз асарларида тилнинг ижтимоий аҳамиятига тўхталганлар [1,6].

Нутқий мулоқотнинг бир кўриниши фатик мулоқотдир. Фатика, фатик мулоқот (phatic communion) атамаси илк бор тилшуносликка польшалик инглиз олими, этнографияда функционал антропология йўналишининг асосчиси Бронислав Малиновский (1884-1942) томонидан 1928 йилда киритилган. Фатика лотинча *fatuus* - "бемаъни, мақсадсиз" сўздан олинган. Тилнинг фатик вазифаси /фатик функцияси атамаси эса Роман Якобсоннинг лингвопоэтика билан алоқадор ишлари билан боғлиқ. Бу атаманинг ёзилишида *phatic communion* ва *phatic communion*, баъзан ҳатто *fatik communion* каби хилма-хиллик мавжуд. Роман Якобсон томонидан тилнинг фатик функциясини алоҳида ажратишга қуйидагилар асос бўлди:

1) фатик мулоқотда тил шу давргача унинг асосий вазифаси саналган ахборот узатиш/қабул қилиш ва суҳбатдошга ўз таъсирини ўтказишдан тамоман фарқли (моҳиятан тесқари) мақсадларда қўлланилади;

2) прагматингвистика равнақи билан нутқий жанрларни ўрганишга қизиқишнинг ошиши [1];

3) нутқ жараёнида/матнда/дискурда моҳиятан ноинформатив ахборотнинг қатъий информатив ахборотдан миқдоран устуворлиги кабилар.

Фатика тадқиқини уч даврга ажратиш мумкин:

- Биринчи давр - Бронислав Малиновский томонидан *ingsmall talk* сифатида мулоқотнинг мақсадсиз (вақт ўтказиш, жим турмаслик учун) суҳбатнинг алоҳида ажратилиши ва уни фатика атамаси билан аталишидан бошлаб (1928) Роман Якобсон томонидан тилнинг 6 вазифаси (функцияси) сирасида фатик функцияни алоҳида - робитасозлик вазифаси сифатида - ажратилишигача (1970) - бу даврда фатикага деярли эътибор қаратилган эмас;

- Иккинчи давр - Роман Якобсон томонидан фатикани тилнинг алоҳида - робитасозлик вазифасининг воқеланиш кўринишларидан бири сифатида ажратилишидан (1970) Татьяна Винокур /1924-1992/ ишларида ҳар иккала



қарашни бирлаштирилишигача (1990) бўлган давр;

- Учинчи давр - Т.Винокурдан кейинги давр - 1990 дан ҳозиргача. Фатикага бағишлаб юзлаб эмас, минглаб тадқиқотларнинг бағишланиши, унда икки йўналишнинг белгиланиши айна шу даврга тегишлидир.

Рус тилшунослигида фатика тадқиқи икки йўналишда олиб борилди: Биринчи йўналиш: Фатика ва унинг моҳияти, нутқ жараёнидаги аҳамияти хусусида баҳс юритган. Бу йўналиш вакиллари Т.Винокурдан ташқари Н.Арутюнова, Е.В.Дускаева, В.Г.Гак, В.И.Карасик, Е.Клюев, К.Ф.Седов, Т.В.Смелёва кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир. Биринчи йўналишдаги тадқиқотлар миқдоран анча оз ва уларда фатиканинг табиати ноинформатив, суҳбатдаги бўшлиқни тўлдиришга, нутқий мулоқот-суҳбатда вақтни ўтказишга хизмат қиладиган гурунг сифатида талқин этганлар.

Иккинчи йўналиш вакиллари фатик нутқий жанрлар ва уларнинг қўлланилиши борасида илмий изланиш олиб борганлар. Бунда В.В.Дементьев, М.Е.Федосюк, В.Е.Голдин, А.В.Карабикова, Н.А.Корнилова, Т.Н.Козловская, Т.В.Матвеев, Н.Г.Нестерова В.К.Прохорова, А.Д.Степанов кабиларнинг ишлари эътибор лойиқдир.

В.Федотова ўз илмий изланишларида фатик нутқий жанрлар масаласини махсус тадқиқ этиб, фатикани қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1) фатиканинг унисон жанрлари: а) лутф, хушомад (комплимент); б) мақтов; в) изҳори муносабат; г) миннатдорлик; д) ҳазил-мутойиба; й) олиб қочиш/чалғитиш (флирт);

2) диссонанс жанрлар: а) айблов; б) таҳқир-ҳақорат; в) таҳдид; г) муносабатларни аниқлаш/муносабатларга аниқлик кириш (выяснения отношений); д) миннат-гина; е) қочирим-пичинг; й) масхара-мазоқ; и) вақтгузаронлик (структурирования времени) турлари; ж) золагонлар давра суҳбати (светская беседа); з) оддий гурунг (болтовня); к) хаёл-орзу-истаклар [4,5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, фатика - нутқий мулоқот мақсади билан алоқадор эмас, аммо у нутқий фаолият тури. Фатика нутқий мулоқот иштирокчиларига ҳеч қандай масъулият ва ҳаяжон юкламайди. Унинг асосий мақсади мулоқот жараёнида жимликни бартараф қилишдир. Шунинг учун у Small talk (бемақсад суҳбат, бемаъни мулоқот, гурунг, чақчақ) сифатида мулоқотни бошлаш, сақлаб туриш ва яқунлашга хизмат қилади. Тўғри, фатика мулоқот мавзусига оид янги ахборот, маълумот бермайди, аммо у суҳбатдошларнинг характерини, нутқ вазиятидаги ҳолатини очиб беришда муҳим аҳамиятга кўрсатади. Фатик мулоқот бадий асарда муаллиф гоёсини очишга ва мулоқот жараёнида урф-одатларни юзага чиқаришга хизмат қиладиган бадий воситадир. Нутқий мулоқотни уч таркибий қисмга ажратилгани боис [5] фатик мулоқотни ҳам уч турга ажратиш зарур. Яъни "мулоқотга киришиш", "мулоқотда бўлиш", "мулоқотни яқунлаш" босқичлари. Саналган босқичларга кўра мулоқотда бўлиш тури - бадий асарда муаллиф гоёсини ойдинлаштиришнинг муҳим бадий омилларидан бири бўлса, нутқ жараёнининг мулоқотни бошлаш ва мулоқотни тугатиш турлари этник-эстетик, одоб-ахлоқ, урф-одат, этикет хусусиятлар билан узвий боғлангандир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. Ленинград.Наука. 1974, -с. 452.

2.Степанов А.Д. Контакт и условия коммуникации. Фатические речевые жанры. Проблемы коммуникации у Чехова [my-chekhov.ru/kritika/problem/p...](http://my-chekhov.ru/kritika/problem/p...)

3.Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность.-2-е изд. -М.:Политиздат,